

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, Бўстон туман ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи – туман судининг раиси К.Шахобутдинов, судья ёрдамчиси М.Рахимов котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстон туман прокурори ёрдамчиси Ж.Орифжонов, судланувчи З.Рўзиев ва унинг химоячиси А.Ахмедовлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган Рўзиев Зиёдбек Сайдахмат ўғлига оид 1-1706-2401/127-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Рўзиев Зиёдбек Сайдахмат ўғли (Ro‘ziyev Ziyodbek Sayдахmat o‘g‘li), 1992 йил

27 ноябрь куни Бўстон (Бўз) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, илгари судланмаган, Бўстон тумани, Янгикишлоқ МФЙ, Ахтачи кўчаси, 50-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нухасини 2024 йил 27 сентябрь куни олган.

Суд судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи З.Рўзиев 2024 йил 14 сентябрь куни соат 16:45 ларда Бўстон туман ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори-2024» тадбирда Бўстон тумани, Маориф МФЙ, Мустақиллик кўчасида шимининг ён чўнтагида соф оғирлиги 1,45 грамм куритилган ҳолдаги таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлган “марихуана” моддаларини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламасдан, ўзи истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келаётгани аниқланган.

Андижон вилояти ИИБ ЭКБнинг 2024 йил 15 сентябрдаги 985-сонли хулосасида З.Рўзиевнинг чўнтагидан олинган пакетдаги куритилган (невысушенный) ҳолдаги модда ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддаси сақлаши ва марихуана деб аталиши, марихуанани соф оғирлиги 1,45 граммга тенглиги кўрсатилган.

Республика ихтисослаштирилган наркалогия илмий-амалий тиббиёт суд-наркалогия бўлимининг 2024 йил 20 сентябрдаги 548-сонли наркологик экспертиза хулосасида З.Рўзиев ҳисобда турмаслиги, гиёҳванд моддани истеъмол қилса-да, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.



Судланувчи З.Рўзиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 14 сентябрь куни соат тахминан 15:22 ларда таниши М.Ботирова билан телефон қилиб Улуғнор туманига ташлаб қўйишини айтганини, шунда маҳалладоши Х.Комиловга Шахрихон туманига олиб боришини айтиб илтимос қилиб Шахрихон туманига бориб М.Ботировани олиб овқатланиш мақсадида Бўстон тумани марказига келишганини, Бўстон тумани Маориф МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган “Автомактабнинг” олдидаги Гўзаллик салонига келиб тўхташганини, сабаби Х.Комилов салонда таниши борлигини, нарчасини бериб чиқишини айтиб кириб кетганини, шу пайтда Бўстон тумани ИИБ ходимлари келишиб ўзларини таништиришиб уни кимлигини, бу ерда нима қилаётганлигини, шубҳали кўринганлигини, ёнида ноқонуний нарсалар бор ёки йўқлигини, бўлса тақдим қилишини сўрашганини, сўнг эғнидаги кўк рангли женси шимининг ўнг орқа чўнтагида бўлган қаймоқ ранг қоғозга ўралган, куруқ ҳолдаги, кўкимтир рангли, ўткир хидли, хашак кўринишидаги ўсимликни олиб ИИБ ходимларга тақдим қилганини, ходимлар ундан ушбу нарса нима эканлигини сўрашганида уларга ушбу ўсимлик ёввойи наша эканлигини, даладан ўзи истеъмол қилиш мақсадида териб олганлигини маълум қилганини, ҳақиқатдан ҳам у баъзи-баъзида гиёҳванд модда истеъмол қилиб туришини, ушбу ёввойи нашани у маҳалладаги “Озод ариқ”нинг бўйидан териб, қуритиб қўйганини, ушбу нашани сотиш мақсади бўлмагани, ўзим истеъмол қилиб туришини, шундан сўнг у тақдим қилган модда баённома орқали ИИБ ихтиёрига олинганини, мутахассис иштирокида ушбу модданинг соф вазни ўлчанганида 1,45 грамм грамм эканлигини маълум бўлганини, М.Ботирова ва Х.Комиловларнинг унинг ёнида наша гиёҳванд моддаси борлигидан хабарлари бўлмаганини, бошқа шахсларга ўтказиш, сотиш нияти бўлмагани, қилмишидан пушаймонлигини, суддан енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Ботирова суд мажлисида, З.Рўзиев таниши бўлишини, З.Рўзиевга Улуғнор туманига ташлаб қўйишини илтимос қилганида 2024 йил

14 сентябрь куни эски таниши З.Рўзиев таниши Х.Комиловни давлат рақами 60 О 401 ФВ бўлган Спарк русумли машинасида келишганини, кейин Х.Комиловни машинасида З.Рўзиев билан биргаликда Бўстон тумани, Маориф МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган Гўзаллик салонини олдида келиб тўхташганини, сабаби Х.Комилов салончида иши борлигини айтганини, у билан З.Рўзиев машинада ўтирган вақтида Бўстон тумани ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, З.Рўзиевни шубҳали кўринганлиги сабабли кимлигини ва ёнида шубҳали нарсалар бор ёки йўқлигини сўрашганини, З.Рўзиевнинг кўк рангли жинси шимининг чўнтагидан қаймоқ ранг қоғозга ўралган, куруқ ҳолдаги, кўкимтир рангли, ўткир хидли, хашак кўринишидаги ўсимликни олиб тақдим қилганини, З.Рўзиевдан ушбу ўсимлик нима эканлигини сўралганида у ушбу нарса ёввойи наша эканлигини, даладан ўзи истеъмол қилиш мақсадида териб олганлигини маълум қилганини, З.Рўзиев тақдим қилган нарсалар келгусида



текшириб кўриш учун ИИБ ихтиёрига олишиб пакетга солиб муҳрлашганини, З.Рўзиевни ёнида ноқонуний нарсалар борлигидан хабари бўлмаганини, З.Рўзиевнинг гиёҳванд модда истеъмол қилишидан ва ёнида гиёҳванд модда сақлаб келаётганидан унинг умуман хабарим йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Комилов суд мажлисида, 2024 йил 14 сентябрь куни Бўстон тумани Янгиқишлоқ МФЙ ҳудудида ўзига тегишли бўлган Спарк русумли автомашинада ҳаракатланиб кетаётган вақтида маҳалладоши З.Рўзиев уни тўхтатиб Шаҳрихон туманига олиб бориб келишини сўраганини, З.Рўзиевга автомашинага газ қўйиб берса олиб бориб келишини айтганида З.Рўзиев рози бўлганини, кейин иккаласи машинасида Шаҳрихон туманига йўлга чиққанини, З.Рўзиев билан бирга Шаҳрихон тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими биноси олдига бориб тўхтаганини, у ерда кейинчалик таниш бўлган М.Ботировани кутиб турганлигини кўрганини, ушбу аёл автомашинага чиққанидан сўнг З.Рўзиев уларни дала майдонида олиб бориб қўйишини илтимос қилганини, зарур иши бўлгани сабабли уларни далага олиб бормаслигини айтганини, шунда аёл Улуғнор туманига олиб бориб қўйишини илтимос қилганини, Бўстон тумани Халқбанки биносининг ёнига етканида автомашинадаги аёл шу ерга тўхтаганини, гўзаллик салонида кириб Гулзода исмли аёл бор-йўқлигини билиб чиқиб беришини илтимос қилганини, у гўзаллик салонида кириб чиққан вақтида автомашинанинг олдида ИИБ ходимлари келишиб, автомашинада ўтирган З.Рўзиевдан машинадан тушишлигини сўраганини, З.Рўзиев автомашинадан тушганидан сўнг ИИБ ходимлари ундан ёнида тақиқланган моддалар ёки буюмлар бўлса тақдим этишлигини сўраганини, шунда З.Рўзиев эғнида бўлган шимининг киссасидан қоғозга ўралган моддани чиқариб автомашина капоти устига қўйганини, ИИБ ходимлари ундан қоғознинг ичида нима бўлса очиб кўрсатишлигини сўраганини, шунда З.Рўзиев ўзининг киссасидан чиққан қоғознинг ичини очганида унинг ичида кўкимтир тусли, ўткир хидли, хашаксимон ўсимлик борлигини маълум бўлганини, З.Рўзиев ушбу ўсимлик ёввойи наша эканлигини, уни даладан териб олганлигини, уни чекиб кайф қилишлигини айтганини, сўнг З.Рўзиев томонидан тақдим этилган сўнг З.Рўзиев томонидан тақдим этилган модда ходимлар томонидан холислар иштирокида баённома орқали олиниб пакетга солиб муҳрлашганини, ходимлар томонидан уни ва автомашинада ўтирган шахси унга кейинчалик танилган М.Ботировани ёнлари кўздан кечирилганда уларнинг ёнидан ҳеч қандай тақиқланган моддалар аниқланмаганини, З.Рўзиевнинг гиёҳванд модда истеъмол қилишидан ва ёнида гиёҳванд модда сақлаб келаётганидан унинг умуман хабари йўқлигини, З.Рўзиев автомашинада ёки ундан ташқарида М.Ботировадан гиёҳванд модда ёки бошқа бирор бир нарса олганлигини кўрмаганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Муталибжонов суд мажлисида, 2024 йил 14 сентябрь куни Бўстон тумани Халқбанки биносининг ўтиб кетаётган вақтида ИИБ ходимлари тўхтатишиб унга холис сифатида иштирок этиб беришини сўраганида рози бўлганини, Бўстон тумани ИИБ ходимлари томонидан



Маориф МФЙ Мустақиллик кўчасида жойлашган Гўзаллик салони олдида тўхтаб турган Спарк русумли автомашинанинг олдига борилиб, автомашина ҳайдовчиси ва икки нафар йўловчиларининг ёнлари кўздан кечиришганини, автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган шахси унга кейинчалик танилган З.Рўзиев исмли шахс автомашинадан тушганидан сўнг ИИБ ходимлари ундан ёнида тақиқланган моддалар ёки буюмлар бўлса тақдим этишлигини сўраганини, шунда З.Рўзиев эғнида бўлган шимининг киссасидан қоғозга ўралган моддани чиқариб автомашина капоти устига қўйганини, ИИБ ходимлари ундан қоғознинг ичида нима бўлса очиб кўрсатишлигини сўраганини, шунда З.Рўзиев ўзининг киссасидан чиққан қоғознинг ичини очганида унинг ичида кўкимтир тусли, ўткир хидли, хашаксимон ўсимлик борлигини маълум бўлганини, З.Рўзиев ушбу ўсимлик ёввойи наша эканлигини, уни даладан териб олганлигини маълум қилганини, сўнг З.Рўзиев томонидан тақдим этилган модда ходимлар томонидан баённома орқали олиниб пакетга солиниб муҳрлашганини, ходимлар томонидан автомашина ҳайдовчиси Х.Комилов ва йўловчи М.Ботировани ёнлари кўздан кечирилганда уларнинг ёнларидан ҳеч қандай тақиқланган моддалар аниқланмаганини билдириб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомила қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги» 12-сонли қарорининг бандида «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эғалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди» деб кўрсатилган, 17-бандида “восита ва моддалар турини (гиёҳвандлик, психотроп) уларнинг миқдори, номланиши ва хусусиятлари, келиб чиқиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш услубини, шунингдек, ўсимликнинг гиёҳвандлик моддаси таркибида мавжуд экинга тааллуқлилигини аниқлаш учун махсус билим талаб этилишини инобатга олиб, ҳар бир иш бўйича эксперт ёки мутахассисларнинг тегишли хулосалари олиниши шарт” деб, 18-бандида “гиёҳвандлик воситаси, психотроп муайян миқдорга мансублиги ҳал этиш суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суднинг ваколатлига тегишли бўлиб, улар бунда Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг “Қонунга хилоф равишда муомалада бўлган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларининг тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 22 мартдаги 13/16-сонли қарорига илова кўрсатилган миқдорларда амал қилишлари зарур” деб кўрсатилган.

Суд давлат айбловчисининг фикрини, З.Рўзиевни кўрсатувини ва унинг ҳимоячисини фикрини, гувоҳларни кўрсатувини тинглаб, З.Рўзиевни айби гувоҳларни кўрсатувлари, жиноят ишининг моддани олиш баённомаси,



назорат тартибида соф вазнини аниқлаш баённомаси, суд-кимёвий экспертиза хулосаси, суд-наркология экспертизаси хулосаси, ашёвий далил қарори, ашёвий далилни сақлаш учун топшириш далолатномаси ва қвитанция, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, судланувчи З.Рўзиевни жиноий ҳаракати квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. 30-моддасида “Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким айна бир жиноят учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмас.” 137-моддасида “Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши, 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 42-моддасида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланиши, 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва бошқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Суд, судланувчи З.Рўзиевга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бир қаторда, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, уни шахсини ва хулқини эътиборга олиб, қилмишидан пушаймонлигини жазони жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашни имкони бор деб ҳисоблаб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ жазо тайинлашни, Республика ихтисослаштирилган наркалогия илмий-амалий тиббиёт суд-наркалогия бўлимининг 2024 йил 20 сентябрдаги 548-сонли наркологик экспертиза кўра, З.Рўзиев наркологик касалликка чалинмаганлиги ва мажбурий давога мухтож эмаслиги кўрсатилганлигини назарда тутиб, ЖКнинг 96-моддаси тартибда, унга нисбатан жазони ўташ давомида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чоралари қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек, ЖПКнинг 211-моддаси тартибда ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган соф оғирлиги 1,45 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасидан, эксперт текширувида сарфланган 0,1 граммдан ташқари соф оғирлиги 1,35 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-



Х У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи **Рўзиев Зиёдбек Сайдахмат ўғли (Ro‘ziyev Ziyodbek Saydaxmat o‘g‘li)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи **Рўзиев Зиёдбек Сайдахмат ўғли (Ro‘ziyev Ziyodbek Saydaxmat o‘g‘li)**га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазоларни ижро этиш органи белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотда ўтаттирилиб, жазони ижро этиш Бўстон туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати 3.Рўзиев жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

3.Рўзиевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган соф оғирлиги 1,45 грамм марихуана гиёҳвандлик моддасидан, эксперт текширувида сарфланган 0,1 грамдан ташқари соф оғирлиги 1,35 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

К.Шахобутдинов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

**Жиноят ишлари бўйича
Бўстон туман судининг
раиси**

К.Шахобутдинов



Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович



Хужжат имзоланган: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович, 04.10.2024

